



Резидент жисмоний шахсларга чет эл валютасини сотиш тартиби

Чет эл валютасини айирбошлаш операциялари базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 баравари миқдорига тенг бўлган ёки ундан ошган ҳолларда, жисмоний шахслардан шахсини тасдиқловчи ҳужжат талаб этилади.

Резидент жисмоний шахсларга эквиваленти 100 АҚШ долларгача (шу жумладан, эквиваленти 100 АҚШ долларига тенг миқдорда) нақд чет эл валютасини сотиш операцияси улардан шахсини тасдиқловчи ҳужжат талаб этилмаган ҳолда шохобчага топширган нақд ёки шахсий банк картасидан ечиб олинган миллий валюта миқдори доирасида амалга оширилади.

Бунда, резидент жисмоний шахсларга чет эл валютаси сотилганда 09007-сон шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади. Ушбу маълумотноманинг бир нусхаси резидент жисмоний шахсга берилади, иккинчи нусхаси унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси (эквиваленти 100 АҚШ долларидан ошган миқдордаги чет эл валютаси сотилганда) ва бошқа ҳужжатлар билан бирга кунлик ҳужжатларга тикилади.